ЭРКИН АЪЗАМ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ДУНЁСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА УСТОЗЛАР ЙЎЛИ

Nigora Yakubovna Xolmatova
nigora1978n@mail.ru
QDPI

Аннотация: Ёзувчи адабий-эстетик дунёсининг шаклланишида устозлар йўли.

Калит сўзлар: адабий-эстетик, мақола, тамойил, шаклланиши, адабий-эстетик дунё

THE WAY OF TEACHERS IN THE FORMATION OF THE LITERARY-AESTHETIC WORLD OF THE FREE MEMBER

Nigora Yakubovna Kholmatova
nigora1978n@mail.ru
KSPI

Abstract: The way of teachers in the formation of the literary-aesthetic world of the writer.

Keywords: literary-aesthetic, article, principle, formation, literary-aesthetic world

Адиб ўз ижодий услубини яратиш учун ўзидан олдин ўтган салафлари А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Мухтор, С.Аҳмад, Ш.Холмирзаев ижодини ва уларнинг индивидуал бадиий маҳоратини чуқур ўзлаштирди. Ўзига устоз санаган ўзбек реалистик ҳикоячилигининг асосчиларидан бири А.Қаҳҳор ҳақида бир нечта хотира мақолалар бағишлади. Булар “Ҳалоллик ва шижоат” (1987), “Жасур посбон” (2007) деб номланади. Эркин Аъзам А.Қаҳҳорни ҳаётда кўрган ва унинг суҳбатини олган инсон. Муаллифнинг бу икки мақоласида ҳаётда бошдан кечирилган ва юракдан ҳис этилган хотиралар ҳикоя қилинади. Мақолаларда Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик дунёсида чуқур из қолдирган Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳақиқатгўй”, “Жасур”, “Матонатли шахс”, “Ҳалол”, “Адабиёт жонкуяри” сифатидаги сиймоси гавдалантирилади. Жумладан, Эркин Аъзам А.Қаҳҳор ҳақидаги хотираларини эслаб шундай ёзади: “Мен Абдулла Қаҳҳор сиймосида ҳақиқатнинг тимсолини, тимсол не, ҳақиқатнинг ўзини кўргандек бўламан. Ул зот ҳаётда ҳам, ижодда ҳам адлу инсоф учун оғишмай курашган, сўнгги нафасига қадар бировга на эгилган, на букилишни билган

(cc) BY

жасур, матонатли инсон сифатида ҳар бир ижодкорга ибрат бўлгусидир” [1.292]. Эркин Аъзам ўз адабий-эстетик дунёсини шакллантиришда А.Қодирий, А.Қаҳҳор сиймосида мужассамлашган “Ҳақиқатгўйлик”, “Жасурлик”, “Матонатлилик” фазилатларини ўзига юқтирди. Муаллиф устоз Қаҳҳор ҳақидаги мақолаларида бу ёзувчининг ижодига бўлган шахсий муносабатини ҳам ифодалайди. Жумладан, тилга олганимиз мақолада А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ва бу асарнинг Эркин Аъзам ҳаётида тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталади: “Сароб” - ҳозир менинг энг севимли китобларимдан, ўқиб тўймайман, неча қайталаб ўқиганиму яна неча бор ўқияжагимни ҳам айтолмайман. Уни зиддиятли йигирманча йиллар зиёлилари ҳаётининг маълум сабабларга кўра бизга қоронғи жиҳатларини ҳаққоний акс эттирган нодир, илҳомбахш асар деб биламан. Ҳақгўй танқидчимиз Озод Шарафиддинов бу асарни Абдулла Қодирий романларидан кейин адабиётимиздаги “иккинчи чўққи” деб атаганда минг бора ҳақ! Аммо ўшанда “Сароб”нинг бадиий қадрию Салимхондек мураккаб образнинг чинакам талқини нима эканини менга ўхшаган бир ғўр бола қаёқдан билсин!”[2.292].

Эркин Аъзам А.Қаҳҳорга бағишланган иккинчи мақоласида устоз адибнинг бешафқат реализми, ҳалол айтилган мардона сўзларига юқори баҳо беради: “Абдулла Қаҳҳор ҳеч вақт фаришталик даъвосида бўлмаган. Бугун биз хаёл қилганимиздек у киши мудом содиқ шогирдлари қуршовидаю оқибатли сафдошлар ардоғида ҳам эмас эди. Бандалик, бир замонлар адибга бадхоҳлик қилган, танасидаги дард, юзига эртачи ажин солганларнинг ҳаммаси ҳам энди ҳаётда йўқ. Бироқ ҳамон унинг “душман” лари кам эмас. Адиб уларга шахсан бир ёмонлик қилмаган, аксариятини ҳатто кўрмаган ҳам. Шунга қарамай, шунга қарамай...

Абдулла Қаҳҳорнинг “ёмонлиги” - унинг бешафқат қалами, ёзган асарларидаги айрим нусхаларга муросасиз нафрати, ҳаётнинг, адабиётнинг софлиги йўлида ҳалол туриб айтган мардона сўзлари, холос!”[2.296].

“Орамиздаги одамлар” кўрсатувининг бир сонида Эркин Аъзам билан журналист ва ёш ёзувчи Сарвар Тўраев суҳбатида адиб Сурхон вохасидан етишиб чиққан 70-йиллар адабий авлоди ва улуғ ёзувчи А.Қаҳҳорнинг 60-йиллар адабий авлодидан бўлган Ш.Холмирзаев ижодига берган баҳосини шундай эслайди: “Бундан чамаси кўп йил бурун, 67-йиллар, биз Усмонбой, Муҳаммад Раҳмон билан Абдулла Қаҳҳорни суҳбатида бўлганмиз, у киши бир гапни айтгани эсимда, ўшандай жойлардан ҳам ёзувчи чиқяпти, мана Шукурларни қаранг” деб. У пайтда ёш бола эдик, шу гап қулоғимизда қолган, буни ҳар ким ҳар хил таҳлил қилади. Билишимча, Абдулла Қаҳҳор Сурхондарёга келмаган, кўрмаган, у кишининг наздида, бир дашту саҳро бўлиб туйилган бўлса керак. Кўпчилик, водий аҳли, пойтахт аҳли ҳам Сурхондарёни

(cc) BY

шундай саҳро жой деб билади. Сурхондарё жуда олис воҳа, даштлар, тоғлардан иборат. Абдулла Қаҳҳор “ўшандай жойлар” деганида, мақтов маъносида айтганми ёки таажжуб маъносидами, бироз мубҳам. У пайтда башорат ҳам қилиб бўлмасди. Энди бизнинг элимизнинг қўшиғи бор, дўмбира, бахшилари бор, йирик асарлари кам. Гарчи Сурхондарёдан Термизий, олимлар, шоирлар чиққан. Шунингдек, Сурхондарёда бахшичилик яхши ривожланган. Сурхондарё воҳасидан шўро даври адабиётида биринчи бўлиб, Шукур Холмирзаев ёзувчи бўлиб етишиб чиқди ва у киши ўзбек прозасини бир поғона кўтарди. Мен ёшроқ пайтимда Бойсундан Шукур Холмирзаев деган чиққанини билмаганман эканман. Менинг бола тасаввуримда Бойсундан шоир, ёзувчи чиқмаган эди. “Алпомиш”даги чўл, дашти Қолмоқ эли, “Фарҳод ва Ширин”даги “Бибиширин”, “Кетмон чопди” каби муқаддас жойлар, Бойсундаги хилват жойлар, тоғлар, даштлар, хуллас, гўзал табиат, ўзгача иқлим шароити бизни ёзишга ундади. Ҳеч ким бизга “сен ёзувчи бўласан”, “шоир бўласан”, “тўгаракка бор” демаган. Бизнинг давримизда китоб ўқиш урф эди. Тоғай Мурод, Усмон Азим, Нодир Норматов, Эшқобил Шукур, Муҳаммад Раҳмонлар адабиётга кириб келди, бирдан ўзбек адабиётида кўтарилиш бўлди, натижада, 70-йиллар ўзбек прозасида, поэзиясида Катта адабиётга қадам ташланди. Сурхондарё катта буюк адабиётга қадам қўйди” [5]

Эркин Аъзам ижоди ва унинг асосий эстетик тамойилларининг шаклланишида А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ойбек каби устоз ижодкорлар қаторида А.Мухтор ҳаёти ва ижодининг ҳам алоҳида ўрни бор. Асқад Мухтор том маънода Эркин Аъзамга бадиий ва муҳаррирлик, журналистик соҳада катта устоз бўла олди. Шу боис адибнинг бадиий публицистикасида А.Мухторга бағишланган учта хотира мақолалар яралди. Муаллиф устозининг ҳаётини ва ижодини ўзи учун ва авлодлар учун ибрат намунаси қилиб кўрсатади, ҳамда А.Мухтор ҳақидаги ҳаётий воқеаларни мақолага мухрлайди. Жумладан, мақоланавис шундай ёзади: “Одатда, бош муҳаррир деганлари вақти-вақти билан ходимларни ҳузурига чорлаб сиёсат қилиб туради, “юқори”нинг кўрсатмаларини халққа етказади. Бизда эса тартиб бошқача эди. Асқад ака ҳеч кимни беҳуда чақирмас, ишлари бўлса, ўзлари бўлимга чиқар эдилар. Бирор юмуш билан хоналарига кириб қолсангиз - муттасил кимнингдир қўлёзмасини ишлаб ўтирган ҳолда кўрардингиз. У ердан қуруқ чиқмасдингиз: қандайдир янги фикр биланми, кутилмаган мулоҳазаларни эшитибми...

Ибрат!”.[3.302] Эркин Аъзам мақола матнида устози А.Мухторнинг бешта ибратли фазилатини ҳаётий воқеалар асосида асослаб беради. Ёзувчининг кўз ўнгида А.Мухтор меҳнаткаш, янгича фикрлашдан чарчамайдиган уйғоқ қалбли ижодкор, ёшларга меҳрибон устоз, танти ва камсуқум, мурувватли инсон, донишманд, зукко файласуф адиб қиёфасида намоён бўлади.

(cc) BY

Адибнинг устози Асқад Мухторга бағишлаб ёзилган иккинчи мақоласи "Асқад Мухтор замондошлари хотирасида" тўпламига киритилган. Бу мақолада Эркин Аъзамнинг Асқад Мухтор билан боғлиқ хотиралари, устоз-шогирд ўртасидаги муносабатлар, устози ҳақидаги илиқ хотиралар, ҳаётий воқеалар баён этилган. Мақолага Асқад Мухторнинг "Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим" шеърий мисраси иқтибос қилинган. Эркин Аъзам мақоланинг бошланма қисмида илк бор Асқад Мухторни шоир сифатида Бойсун марказига ўрнатилган радиокарнай орқали таниганини ёзади. Мақоланавис ўқувчилик йилларида ёзувчининг "Туғилиш" романи ҳақида китобхонлар конференциясида маъруза қилганини ҳикоя қилади. Мақоланинг давомида Эркин Аъзам "Гулистон" журналида бирга ишлагани, таҳририятда кечган қизғин иш жараёнлари ҳақида ҳам ихчамгина ҳаётий ва ҳиссий кечинмали ўйларини баён қилади. Мақоланинг энг қизиқарли, таъсирчан ўрни устоз адибнинг касалхонада ётганида ундан хабар олишга борган Эркин Аъзамга қоғозга тобут расмини чизиб берган лавҳадир. Яна бир таъсирчан воқеалардан бири Асқад Мухторнинг шогирдига ёзган хати ҳақида: "Бу мактубни мен кўп кишига кўрсатдим, кўпларга ўқиб бердим. Бирор жойга ташлаб қўйишга кўнглим бўлмадими, негадир ирим қилибми, доимий ҳамроҳим - папкамга солиб олдим. Қоғоз титилиб кетгунча, уч йилми-тўрт йил ёнимда юрди". [4.313.] Мана шу устозидан келган бир мактуб тақдири ҳақидаги мазкур ҳаётий воқеалар китобхонни қаттиқ мутаасир қилади. Эркин Аъзам бутун умри шўро тузумида кечган ва социалистик реалистик ижодий методда ижод қилган Асқад Мухторнинг тузумлар ва мафкуравий ғоялар таъсирига мутлақо бўйсунмайдиган ёзувчининг етук бадиий маҳорати ва ширали бадиий тилига юқори баҳо беради: "Бу - адибнинг "назарногирроқ" асарларидан ҳисобланади. Ажабо, уни ўқиганим сари ҳайратим ошарди. Ширали тилию тиниқ тасвирларини кўрсангиз! Манаман деган қорақалпоқ ёзувчиси ҳам ҳавас қиладиган пишиқ-пухта асар. "Қизил" роқ ўринларини олиб қўйсангиз, қирқ-қирқ беш йил бурун ёзилган бу қиссадаги фожиавий ҳолатлар жаҳон адабиёти даражасидаги асарларга асос бўлгулик!

Қани эди, ижодий ҳасби ҳолингизда лоақал шундай бир асар бўлса!". Бу фикрлар "Қорақалпоқ қиссаси" асарига берилган баҳодир.

Эркин Аъзамнинг устози ҳақидаги учинчи мақоласи "Оғир қоғоз заргари" деб аталади. Адабиётшуносликда Асқад Мухтор тинимсиз ижод жараёнида кўплаб романлар, қиссалар, ҳикоялар, драмалар, бадиий публицистика намуналари ҳатто бадиий таржимачиликда ҳам катта заҳмат чеккани учун бир буюк француз ёзувчисига нисбат берилган "доимий ҳаракатдаги қўл" баҳоси унга ҳам берилган. Айнан шу меҳнаткашлик ва мудом ижодий меҳнат қўйнида яшаган Асқад Мухтор ҳаётига чизгилар беришда давом этган шогирд Э.Аъзам "Оғир қоғоз заргари" таърифини беради: "Чинакам ижодкор анчайин бир хатни

(cc) BY

ҳам қўл учида ёзмайди. Ёзаолмайди. Ижодий виждони бунга йўл бермайди. Қоғозга бирор нима ёзиб-чизиш лозим бўлганда уни ҳамиша астойдил, бор имкон, тажрибасини ишга солиб бажаради. Ҳар қанча тажрибакор, ҳар қанча улкан истеъдод эгаси бўлмасин, кору аъмоли шу! Биладики, кўнглининг таржимони мана шу оқ қоғоз, уни кўнгил буюрмаган ношойиста сўзлар билан наридан-бери тўлдирмоқ - гуноҳ. Ёзув машғулоти, айниқса, ижод иши эса ҳамиша машаққатталаб, негаки "ҳаммасидан оғири - қоғоз..." (Асқад Мухтор таъбири).

Устознинг ўзи-да сўз меҳнати - ёзувчиликка мудом ана шундай зўр масъулият билан ёндашган". [4.316] Эркин Аъзам ўзининг “Кечикаётган одам” тўпламининг илк саҳифасига устозининг “Собирман” шеърини илова қилади. Бу ҳам муаллифнинг устози А.Мухторга кўрсатаётган катта ҳурмати ва эҳтиромидан далолатдир.

Хуллас, Э.Аъзамнинг адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида миллий адабиётимиз катта ижодкорларининг бадиий тажрибалари асос бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аъзам Э. Ҳалоллик ва шижоат / Эрталабки хаёллар. - Тошкент. Ўзбекистон, 2015. - Б. 292

2. Аъзам Э. Жасур посбон / Эрталабки хаёллар. - Тошкент. Ўзбекистон, 2015. - Б. 297.

3. Аъзам Э. Ибрат / Эрталабки хаёллар. - Тошкент. Ўзбекистон, 2015. - Б. 302.

4. Аъзам Э. Бутунларнинг бутуни / Эрталабки хаёллар. - Тошкент. Ўзбекистон, 2015. - Б. 313.

5. https://www.youtube.com/c/sirojiddinibrohim // Эркин Аъзам “Орамиздаги одамлар” кўрсатуви меҳмони. Суҳбатдош Сарвар Тўраев, ТерДУ археология йўналиши магистранти, журналист ва ёш ёзувчи

(cc) BY